

Танлов иштирокчиси учун  
ЙУРИҚНОМАга 6-ИЛОВА

**8-10-11-17-сонли давлатмактабгачатаълимташкilotида  
аутсорсинг усулидасоғломовқатлантиришниташкилэтиш түғрисида  
1-сонли ШАРТНОМА**

2022йил “12”январ

Бекободшахар  
(шартнома имзоланган жой номи)

Кейинги ўринларда аутсорсер деб аталадиган Muxsin Faiz MCHJ  
(корхона номи)

номидан Устав асосида фаолият юритувчи корхона раҳбари М Шерматова

(корхона раҳбарининг ФИО)

бир томондан, матнда кейинги ўринларда буюртмачи дебаталадиган, Устав асосида фаолият юритувчи Бекобод шахар мактабгача таълим бўлими номидан мудир З Балтабаева иккинчи томондан (кейинги ўринларда – томонлар) қуидагилар  
(ФИО)

хақида ушбу шартномани туздилар.

**I. Шартноманинг предмети**

1.1. Бекобод шахар мактабгача таълим бўлими тасарруфидаги 8-10-11-17-сонли  
(туман (шахар) номи) давлатмактабгача таълим ташкилотида рўйхатда турувчи тарбияланувчиларни амалдаги санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мувофиқ бир кунда 4 (турт) маҳал (нонушта-толма чой- тушлик, иккинчи тушлик), ҳафтада 5 (беш) кун овқатлантириш мазкур шартноманинг предмети ҳисобланади.

1.2. Тарбияланувчиларни бир кунда 4 маҳал овқатлантириш бўйича 10 (үн) кунлик таомнома 8-10-11-17-сонли давлат мактабгача таълим ташкилоти билан келишган ҳолда аутсорсер томонидан тузилади ва тасдиқланади.

1.3. Шартнома қиймати 8-10-11-17-сонли давлат мактабгача таълим ташкилотида шартнома тузилган кунда рўйхатда турган тарбияланувчилар сони ва маҳсулотлар нархларига мувофиқ 2959879731,52 (икки миллиард туккиз юз эллик туккиз миллион саккиз юз етмиш туккиз минг ётти юз уттиз бир сум)52 тийин ташкил этади.  
(шартнома қиймати сон ва сўз билан ёзилади)

Агарда мазкур давлат мактабгача таълим ташкилотида тарбияланувчилар сони кўпайганида мазкур шартномага кўшимча келишув тузилади.

Тарбияланувчилар сони	Санқвам бўйича бир нафар болани бир кунлик овқатлантириш харажати*	Шартнома амал килиш муддати давом ида иш кунлари сони	Жами харажат	Устама (КҚС билан)		Шундан КҚС	Шартноманинг умумий қиймати
				%%	сумма		
1	2	3	4=1x2x3.	5	6=4x5	7	8=4+6
528	17218,7	219	1991032718,4	14%	278744580,58	296057908,56	2269777298,98
37	2701	219	21886203	14%	3064068,42	3254383,23	24950271,42
116	18542	219	471040968	14%	65945735,52	70041743,94	536986703,52
23	22320	219	112425840	14%	15739617,6	16717233,6	128165457,6
<b>Жами</b>	<b>X</b>	<b>219</b>	<b>2596385729,4</b>	<b>14%</b>	<b>363494002,12</b>	<b>386071269,33</b>	<b>2959879731,52</b>

\*) Санитария қоидалари ва меъёрлари буйича бир нафар тарбияланувчини бир кунлик овқатлантириш харажати ҳисоб-китоби 1-иловада келтирилади.

Ушбу шартнома тузилган кунда мазкур давлат мактабгача таълим ташкилотида рўйхатда турувчи тарбияланувчилар сони - **528** нафар, бир нафар тарбияланувчини бир кунлик овқатлантириш харажати – **17218,7** сўм киска муддатли гурӯҳ тарбияланувчилар бола сони **37** нафар, бир кунлик бир бола учун овқатлантириш харажати **2701** сумни Куп тармокли ихтисослаштирилган маҳсус мактабгача таълим тарбияланувчилар сони 116 нафар бир кунлик бир бола учун овқатлантириш харажати **18542** тунги 24 соатли тарбияланувчилар сони 23 нафар бир кунлик бир бола учун овқатлантириш харажати **22320** сум ташкил этади.

Санитария қоидалари ва меъёрлари буйича бир нафар тарбияланувчини бир кунлик овқатлантириш харажати ҳисоб-китоби 1-иловада, ойма-ой тўлов жадвали 2-иловадакелтирилади.

Тўловлар давлат мактабгача таълим ташкилотида ҳар кунлик ҳақиқатда бўлган тарбияланувчилар сонига қараб расмийлаштирилган хужжатлар асосида амалга оширилади.

1.4. Амалдаги санитария қоидалари ва меъёрлари асосида овқат тайёрлаш учун ишлатиладиган маҳсулотларнинг тасдиқланган нархлари узгариши ҳамда давлат мактабгача таълим ташкилотида тарбияланувчилар сонининг узгариши ҳисобига бир нафар тарбияланувчини бир кунлик овқатлантириш харажати шартномада келтирилганига нисбатан 10% ва ундан юкори курсаткичга фарқ қилган ҳолларда шартномага томонларнинг қелишувига асосан узгартиришлар киритилиши мумкин.

## II. Томонларнинг хуқуқ ва мажбуриятлари

### 2.1. Аутсорсернинг хуқуқлари:

фойдаланиладиган коммунал хизматлар киймати белгиланган лимит ва давлат мактабгача таълим ташкилотига ажратилган бюджет маблағлари доирасида қопланишини талаф килиш;

ижара шартномаси доирасида аутсорсерга вақтинча фойдаланишга бериладиган ошхонанинг ишлаб чиқариш хоналари, асбоб-ускуналари, идиш-товорклари ва мебелидан фойдаланганлик учун тўловни ноль ставка буйича олиш;

курсатган хизматлар учун тўловни шартномада белгиланган миқдор ва муддатда талаф килиш.

Аутсорсер қонунчиликда тақиқланмаган бошқа хуқуқларга ҳам эга булиши мумкин.

### 2.2. Аутсорсернинг мажбуриятлари:

тарбияланувчиларни соғлом овқатлантириш хизматини давлат мактабгача таълим ташкилот ошхонасининг узида санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мувофиқ тўлиқ ва сифатли ташкил этиш;

таомномаларни 10 кунлик намунавий таомномалар асосида худудий давлат санитария эпидеомиологик осойишталиги хизматига бир нусха тақдим қилган ҳолда овқатлантиришни ташкил этиш;

таомларни овқат тайёрлаш технологиясига тўлиқ амал қилган ҳолда тайёрлаш;

таомлар тайёрлаш технологияси буйича мутахассислар (инженер-технolog, диетолог, ошпазлар) билан таъминлаш;

таомномалар, тайёр, таомларнинг вазни, нархи, таркибидаги маҳсулотлар миқдорлари, технологик карталарнинг тўғри ва тўлиқ юритилишини таъминлаш;

танлов жараёнида санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мос шароитларни яратиш бўйича таклиф қилган инвестиция мажбуриятларини З-иловада белгиланган муддатларда бажариш;

бажарилган инвестиция мажбуриятлари бўйича товар-моддий бойликлар кайтарилимагина инобатга олиш.

Аутсорсерга қонунчиликда тақиқланмаган бошқа мажбуриятлар ҳам юкланиши мумкин.

#### 2.3. Буюртмачининг хукуклари:

аутсорсинг усулида овқатлантиришни амалга ошириш учун қўйилган талаблар бажарилишини үрганиш;

тайёр таомлар сифатининг таомномага мувофиқлигини текшириш;

тайёр таомларнинг миқдори, мазаси, таркибидаги маҳсулотларнинг сифати бўйича камчиликлар аниқланган ҳолатда ваколатли органларга билдирги киритиш;

харид килинаётган озик-овқат маҳсулотлари ва тайёрланаётган таомлар, уларда фойдаланиладиган технологик санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мослигини, ошхоналар ходимларининг санитария-гигиена талаблари ва эпидемияга қарши тадбирлар бажарилишига риоя этилишини тасдиқланган режага асосан назорат қилиш;

танлов жараёнида санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мос шароитларни яратиш бўйича аутсорсер томонидан таклиф қилинган инвестиция мажбуриятларини З-иловада белгиланган муддатларда бажарилишини талаб қилиш, мониторинг қилиш;

аутсорсер томонидан бажарилган инвестиция мажбуриятлари бўйича товар-моддий бойликлар кайтарилимагина таъминлаш.

Буюртмачи қонунчиликда тақиқланмаган бошқа хукукларга ҳам эга булиши мумкин.

#### 2.4. Буюртмачининг мажбуриятлари:

фойдаланиладиган коммунал хизматлар харажатларини белгиланган нормалар асосида давлат мактабгача таълим ташкилотининг харажатлар сметасида мавжуд бюджет маблағлари ва ота-оналар тўловидан тушумлар ҳисобидан қоплаш;

ижара шартномаси доирасида аутсорсерга вактинча фойдаланишга бериладиган ошхонанинг ишлаб чиқариш хоналари, асбоб-ускуналари, идиш-товоқлари ва мебеллардан фойдаланиш учун ноль ставкада топшириш;

курсатилган хизматлар учун шартномада белгиланган миқдор ва муддатда тўловни амалга ошириш;

аутсорсер томонидан инвестиция мажбуриятлари бажарилиши жараёнидаги товар-моддий бойликлар ва таъмирлаш ишлари марказлаштирилган бухгалтерия хизмати томонидан ўз вақтида кирим қилиниши ва ҳисобга олинишини таъминлаш.

Буюртмачига қонунчиликда тақиқланмаган бошқа мажбуриятларҳам юкланиши мумкин.

### III. Курсатилган хизматлар бўйича ҳисоб-китобларни амалга ошириш

3.1. Давлат мактабгача таълим ташкилоти ҳар куни эрталаб соат 9:00 га қадар шу куни давлат мактабгача таълим ташкилотига келган, овқатлантирилиши лозим бўлган тарбияланувчилар сони бўйича белгиланган шаклга мувофиқ аутсорсерга буюртма беради.

3.2. Аутсорсер давлат мактабгача таълим ташкилоти томонидан тақдим этилган тарбияланувчиларнинг ҳақиқий сонидан келиб чиқсан ҳолда таомнома тузади ҳамда ушбу таомнома асосида овқатлантиришни амалга оширади.

3.3. Аутсорсер ҳар 10 (үн) кунда буюртмачига қунлик таомномаларни илова қилган ҳолда ҳисоб-фактура ва курсатилган хизматлар далолатномасини тақдим этади.

#### 3.4. Буюртмачи:

ҳар ойнинг 15 санасига қадар жорий ойнинг режавий иш ҳажмига (шартномага илова қилинган тўлов жадвалига) караб 30 фоиз миқдорда олдиндан тўловларни амалга оширади;

аутсорсер томонидан тақдим этилган ҳисоб-фактура ва курсатилган хизматлар далолатномаси асосида кўрсатилган хизматлар бўйича маблағларни жорий ойнинг 25 санасига қадар аутсорсерга утказиб беради, жорий ойнинг қолган қунлари учун тўловлар кейинги ой учун тўланадиган маблағларга қушиб утказилади.

### IV. Шартнома бўйича жавобгарлик

#### 4.1. Аутсорсер қўйидагиларга жавобгардир:

овқатларни факат давлат мактабгача таълим ташкилоти ошхонасининг ўзида тайёрлашга (истисно тариқасида Комиссиянинг карори билан марказлашган ҳолда тайёрлаш ва етказиб бериш);

овқат тайёрлашда тегишли сертификат ва сифатни белгиловчи бошқа ҳужжатларга эга бўлган маҳсулотлардан фойдаланишга;

тайёрланган овқатларнинг амалдаги санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мувофиқлигига;

тайёрланган таомларни технология қоидаларига риоя қилган ҳолда белгиланган таомларни тайёр ҳолдаги вазнига мутаносиблигига;

тайёрланган овқатларнинг сифати бузилмасдан болаларга берилишига, болаларга ачиган, айнигина ва бошқа кўринишда ўз сифатини йўқотган овқатларни бермасликка;

таомномада маҳсулотларнинг ҳақиқий нархларини ҳамда ҳақиқатда овқатланган болалар сонини тұғри кўрсатилишига;

қунлик таомномаларни мактабгача таълим ташкилоти раҳбарига белгиланган вақтда етказилишига;

ўзига бириктирилган ва тегишли шартномалар асосида вақтинча фойдаланишга берилган буюртмачининг мулкини бут сакланиши ва тежамкорлик билан фойдаланилишига;

курсатилган хизматлар бўйича тасдиқловчи ҳужжатларни белгиланган шаклларга мувофиқ ҳамда белгиланган муддатларда буюртмачига тақдим этишга;

танлов жараёнида санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мос шароитларни яратиш бўйича таклиф қилган инвестиция мажбуриятларини З-иловада белгиланган муддатларда бажаришга;

бажарилган инвестиция мажбуриятлари бўйича товар-моддий бойликлар қайтарилмаслигини инобатга олишга.

#### 4.2. Буюртмачи қўйидагиларга жавобгардир:

ижара шартномаси доирасида аутсорсерга вақтинча фойдаланишга бериладиган ошхонанинг ишлаб чиқариш хоналари, асбоб-ускуналари, идиш-товоқлари ва мебеллардан фойдаланиш учун ноль ставкада топширишга;

курсатилган хизматлар учун мазкур шартномада белгиланган миқдор ва муддатларда тўловларни амалга ошириш;

давлат мактабгача таълим ташкилотига ҳақиқатда келган тарбияланувчилар сони тұғрисидаги маълумотларни белгиланган шакл ва муддатларда аутсорсерга топширилишини таъминлаш;

танлов жараёнида санитария коидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мос шароитларни яратиш бўйича аутсорсер томонидан таклиф қилинган инвестиция мажбуриятларини З-иловада белгиланган муддатларда бажарилишини талаб қилишга, мониторинг қилишга;

аутсорсер томонидан бажарилган инвестиция мажбуриятлари бўйича товар-моддий бойликлар қайтарилимаганини таъминлашга;

аутсорсер томонидан инвестиция мажбуриятлари бажарилиши жараёнидаги товар-моддий бойликлар ва таъмирлаш ишлари марказлаштирилган бухгалтерия хизмати томонидан ўз вақтида кирим қилиниши ва ҳисобга олинишини таъминлашга..

4.3. Аутсорсер томонидан овқатлантириш хизматларини белгиланган вақтларда амалга оширмаса ёки Буюртмачи томонидан курсатилган хизматлар учун ўз вақтида тўловлар амалга оширилмаса утказиб юборилган ҳар бир кун учун кечикирилган тўлов суммасининг 0.4 фоизи миқдорида, аммо кечикирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлади.

#### V. Форс-мажор ҳолатлар

5.1. Форс-мажор ҳолатларда, башарти, мажбуриятни ижро этмаслик шартнома тузилганидан кейин рўй берган бартараф этиб бўлмас куч таъсиридаги вазият оқибати бўлса, ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни қисман ёки тулик бажармаслик бўйича томонлар жавобгар бўлмайди.

#### VI. Бошқа шартлар

6.1. Шартнома юзасидан келишмовчиликлар талбнома юбориш ва музокаралар утказиш йули билан бартараф қилинади. Агарда томонлар келишувга эришмасалар низолар тегишли худуддаги иқтисодий судлар оркали ҳал этилади.

6.2. Шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш Узбекистон Республикаси қонун хужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

6.3. Бир нафар тарбияланувчини бир кунлик овқатлантириш амалдаги Санитария коидалари ва меъёрлари бўйича амалга оширилади.

#### VII. Шартноманинг амал қилиши ва бекор қилиниши

7.1. Шартнома имзоланган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга кадар амалда бўлади.

#### VIII. Томонларнинг реквизитлари

##### Аутсорсер

Мухсин файз мчж

Манзил Фаргона мфй

Хр 20208000705351182001

Узсаноат курилишбанк

Мфо 01100 инн 308242444

Корхона раҳбари  
Шерматова М



##### Буюртмачи

Мактабгача таълим булими

Бекобод шахар 14-даха

Хр 400522860274137091100251001

ИНН 207267155 МФО 00014

Хр 23402000300100001010

ИНН 201122919 молия вазирлиги ягона

газна ҳисоб вароги

МТБ мудири З Балтабаева

М.Ў.



—сонли шартномага  
1-ИЛОВА

**Санитария қоидалари ва меъёрлари бўйича бир нафар тарбияланувчини  
биркунликовқатлантиришхаражати  
ХИСОБ-КИТОБИ**

T/p	Махсулотларнинг тури	Микдори (грамм)*		Нархи (сўм)	Суммаси** (сўм)		
		1-3 ёшли	4-7 ёшли		1-3 ёшли	4-7 ёшли	
1	Витамин ва минераллар билан бойитилган олий ва 1-навли ундан нон махсулотлари	90	100	2800	252	280	392
2	Олий ва 1-навли ун	25	30	3300	82,5	99	132
3	Крахмал	3	3	9000	27	27	40,5
4	Ёрмалар дуккакли дон махсулотлари, макарон махсулотлари, шу жумладан, мош-3 гр (нұхат ёрмасм, сули ёрмаси, перловка ёрмаси, гречка)	35,3	45,3	7000	247,1	317,1	405,65
5	Шакар	20	25	8500	170	212,5	276,25
6	Қандолат махсулотлари (повидло, джем, мураббо)	10	10	15000	150	150	225
7	Сариёғ (табиий, сифир сутидан олинган)	15	20	39000	555	740	925
8	Усимлик мойи	7	8	20000	140	160	220
9	Табиий сигир сути (ёғлилик даражаси 2,5- 3,2%)	180	200	5500	990	1100	1540
10	Қатик, кефир	100	100	5500	550	550	825
11	Сметана (ёғлилик даражаси 15%)	5	5	26 500	132,5	132,5	198,75
12	Творог (ёғлилик даражаси 2,5%, 5,0%)	20	20	27 500	550	550	825
13	Пишлоқ (шу жумладан қаттиқ турдаги)	8	10	36 000	288	360	468
14	1 категорияли мол, қўй, парранда, қўён гүшти	60,5	80,6	63 000	4114	5480,8	6854,4
15	Балик (тозаланган, бошсиз музлатилган)	20	20	19 000	380	380	570
16	Тухум (дона)	0,5	0,5	1 100	0,55	0,55	0,825
17	Картошка	100	120	4 300	430	516	688

18	Сабзавотлар (пиёз, лавлаги, сабзи, шолғом, турп, карам, ошқовок, булғор қалампири)	150	180	4000	600	720	960
19	Мевалар (банан, олма, беки)	130	150	8000	1040	1200	1640
20	Курук мевалар (туршак, майиз, олхури, наматак)	10	10	19000	190	190	285
21	Чой	0,3	0,3	34000	10,2	10,2	15,3
22	Какао	2	2	38000	76	76	114
23	Йодланган ош тузи табиий таъм ростловчилар (зира, кашнич дон)	4	5	3000	12	15	19,5
24	Хамиртуруш	1	1	35000	35	35	52,5
	<b>Жами</b>	1 005,80	1 159,80		11 022	13 302	<b>17672,7</b>

\*) Узбекистон Республикасидаги мактабгача таълим ташкилотларида соғлом ва хавфсиз овқатлантиришни ташкил этишга қўйиладиган гигиена талаблари (СанПиН) бўйича бир нафар бола учун бир кунлик маҳсулотлар меъёри ёзилади.

\*\*) Туман ва шахар ҳокимлклари томонидан тасдикланган озик-овқат маҳсулотлари нархларидан ошмаган ҳолда таклиф этилаётган озик-овқат нархлари ёзилади.

Суммаси – маҳсулот миқдорини маҳсулот нархига кўпайтириш орқали аниқланади.

Т/п	Махсулотларнинг тури	Микдори (грамм)*		(сум)	(сум)		(сум)
		3-7 ёшли	тунги		1-3 ёшли	тунги	
1	Витамин ва минераллар билан бойитилган олий ва 1-навли унидан нон махсулотлари	130	150	2800	364	420	392
2	Олий ва 1-навли ун	25	25	3300	82,5	82,5	83
3	Крахмал	3	3	9000	27	27	27
4	Ёрмалар дуккақли дон махсулотлари, макарон махсулотлари, шу жумладан, мөш-3 гр (нұхат ёрмасы, сули ёрмаси, перловка ёрмаси, гречка)	50	50	7000	350	350	350
5	Шакар	40	55	8500	340	467,5	404
6	Қандолат махсулотлари (повидло, джем, мураббо)	10	15	15000	150	225	375
7	Сариёғ (табиий, сигир сутидан олинган)	20	35	39000	740	1295	1018
8	Ұсимлик мойи	10	10	20000	200	200	200
9	Табиий сигир сути (ёғлилик даражаси 2,5- 3,2%)	300	300	5500	1650	1650	1650
10	Қатиқ, кефир	200	200	5500	1100	1100	1100
11	Сметана (ёғлилик даражаси 15%)	15	20	26 500	397,5	530	464
12	Творог (ёғлилик даражаси 2,5%, 5,0%)	30	35	27 500	825	962,5	894
13	Пишлок (шу жумладан қаттық турдаги)	10	10	36 000	360	360	360
14	1 категорияли мол, қүй, парранда, қуён гүшти	120	150	63 000	8160	10200	9180
15	Балиқ (тозаланган, бошсиз музлатилган)	40	45	19 000	760	855	808
16	Тухум (дона)	0,5	0,5	1 100	0,55	0,55	1
17	Картошка	200	200	4 300	860	860	860
18	Сабзавотлар (пиёз, лавлаги, сабзи, шолғом, турп, карам, ошқовок, булғор қалампири)	220	250	4000	880	1000	940
19	Мевалар (банан, олма, бехи)	180	250	8000	1440	2000	1720
20	Курук мевалар (туршак, майиз, олхури, наматак)	15	15	19000	285	285	285
21	Чой	0,3	0,3	34000	10,2	10,2	10
22	Какао	2	2	38000	76	76	76
23	Йодланган ош тузи табиий таъм ростловчилар (зира, кашнич дон)	3	3	3000	9	9	9
24	Хамиртуруш	1	1	35000	35	35	35
	<b>Жами</b>	1 624,00			19 102	23 000	<b>21051</b>

Шартномага

2-ИЛОВА

**Аутсорсинг усулида соғлом овқатлантиришни ташкил этиш бўйича шартнома  
бўйича тўловларни амалга ошириш графиги**

Йил ва ой	Тўлов миқдори (сўм)
2022 йил январ	246656000
2022 йил феврал	246656000
2022 йил март	246656000
2022 йил апрел	246656000
2022 йил май	246656000
2022 йил июнь	246656000
2022 йил июль	246656000
2022 йил август	246656000
2022 йил сентябр	246656000
2022 йил октябр	246656000
2022 йил ноябр	246656000
2022 йил декабр	246663731,52
<b>Жами</b>	<b>2 959 879 731,52</b>

Шартномага  
З-ИЛОВА

**Аутсорсинг усулида соғлом овқатлантиришни ташкил этишда санитария қоидалари,  
нормалари ва гигиена нормативларига мос шароитларни яратиш**

<b>Амалга ошириладиган ишлар</b>	<b>Бажариш муддатлари</b>	<b>Сарфланадиган маблағ (сұм)</b>
Чүмич, капкир, пичок, кастрюлкалар, тахтакач, бидон ва бошқалар	1-чорак	2 000 000
Ошхона ходимлари униформалари, тозаловчи ва дезинфекцияловчи воситалар	1-чорак	8 000 000
Оқлаш, краскалаш, эшик ва деразаларни алмаштириш, кафелларни янгилаш (ошхона ва ёрамчи хоналар)	1-чорак	60 000 000
Электр плита, Газ плита, Пароконвектомат, Овқат пишириш қозонлари(Котел пишеворичный), Сув кайнатгич, Совутгич(холодильник), Музлатгич(морозильник), Гүшт майдалагич, Ковуриш шкафи(Жарочный шкаф), Электрсковорадаси, Мойка, Шкаф (нөн учун), Иш столи (производственный стол), Ювиш ваннаси, Тарози, Стилаж омборхонага.	1-чорак	70 000 000
<b>Жами</b>		<b>140 000 000</b>

Изоҳ: Амалга ошириладиган ишлар факатталаб этиладиган давлат мактабгача таълим ташкилотлари учун.

**ЮРИДИК АҲАМИЯТГА ЭГА ХУЖЖАТЛАРНИНГ ҚОНУН  
ХУЖЖАТЛАРИГА МУВОФИҚЛИГИ ТҮҒРИСИДА  
ХУҚУҚИЙ ХУЛОСА**

1.Лойиҳанинг тури: **Шартнома**

2.Лойиҳанинг номи:

Кейинги ўринларда аутсорсер деб аталадиган Muxsin Faiz MCHJ номидан Устав асосида фаолият юритувчи корхона раҳбари М Шерматова бир томондан, матнда кейинги ўринларда буюртмачи деб аталадиган, Устав асосида фаолият юритувчи Бекобод шахар мактабгача таълим бўлими номидан мудир З Балтабаева иккинчи томондан (кейинги ўринларда – томонлар)лар томонидан Бекобод шахар мактабгача таълим бўлими тасарруфидаги 8-10-11-17-сонли давлат мактабгача таълим ташкилотида рўйхатда турувчи тарбияланувчиларни амалдаги санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мувофиқ бир кунда 3 (уч) маҳал (нонушта, тушлик, иккинчи тушлик), хафтада 5 (беш) кун овқатлантириш учун маҳсулот етказиб бериш бўйича № 1-сонли шартнома тузилгани түғрисида. 3.Лойиҳа ишлаб чиқувчиси ва киритилган сана хақидаги маълумот. Лойиҳа Бекобод шахар Мактабгача таълим бўлими томонидан 2022-йил 12-январь куни ишлаб чиқилган ва дастурга киритилган. Лойиҳа амалдаги қонун хужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган ва уни қабул қилиш мақсадга мувофиқ.

Марказ бошлиғи в/б



Н.У.Турсунов  
2022 йил "14" январь